

Ўқувчилар мактабда иккита хорижий тил ва касб-ҳунар ўрганмоқда

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимиздаги мактабларда ёшларни камидатике иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бу борада Ўзбекистон туманида ҳам зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Қумбосди маҳалласида жойлашган 45-умумтаълим мактаби туманда ўқувчиларни хорижий тил ва касбга йўналтириш бўйича намуна сифатида танлаб олинган таълим муасссаларидан бири. Мактабда 765 нафар ўқувчи таҳсил олади, шулардан 93 нафари 10-11 синф ўқувчилари.

Айни вақтда мактабда ўқувчиларга инглиз ва немис тиллари, шунингдек, тикувчилик, қандолатчилик, майший техника устаси, ахборот технологиялари (IT) сирлари пухта ўргатилмоқда.

Мактабда тўгараклар фаолияти учун 5 та маҳсус хона ажратилган. Хоналарнинг барчаси керакли жиҳозлар билан таъминланган. Тўгараклар фаолиятини юритиш учун мактабнинг технология фани ўқитувчилари билан биргаликда, тадбиркор ва моҳир усталар ҳам жалб этилган.

2023-02-27 16:12:33